

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2011
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

С.УСМОНОВА

“Беовульф” ва “Алпомиш” достонларида халқпарварлик ғояларининг бадиий ифодаси.....	63
--	----

ТИЛШУНОСЛИК

А.ЗИЯЕВ

Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сифат сўз туркумида интенсификация ва деинтенсификация ҳодисасининг намоён бўлиши.....	66
---	----

Н.ХОШИМОВА

Сўзларнинг мазмуний алоқаси тадқиқида занжирли ассоциатив тажрибанинг ўрни	69
--	----

М.ДАНИЕВА

Инглиз тилидаги сўз бирикмалари таркибий қисмларининг ўзаро муносабати.....	72
---	----

Г.ГАНИЕВА

Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида топонимларнинг лингвокогнитив асослари	76
--	----

Д.ТЕШАБОЕВ

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳавола бўлакли эргашган қўшма гаплар.....	80
---	----

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.АСИМОВ

Бошланғич синфларда масала ечишдаги ижодий ёндашиш	83
--	----

М.ҚАХҲОРОВА, З.ПОЗИЛЖОНОВА

Тест турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	85
--	----

Ш.УСМОНОВ

Шахслараро муносабатларда толерантликнинг эмпирик таҳлили	88
---	----

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.ҲАКИМОВ, З.ХОДЖАЕВА

Модус ва диктум тушунчалари хусусида	92
--	----

Э.НАСРУЛЛАЕВ

Ўзбек халқ поэтик ижодида достончилик анъаналари	95
--	----

Н.ҚОЗОҚОВА

“Шум бола” қиссасининг айрим лексопрагматик хусусиятлари	97
--	----

АДАБИЙ ТАҚВИМ

С.МЎМИНОВ, Т.МЎМИНОВА

Абдулла Орипов шеъриятида муаллиф шахсияти ва лирик қаҳрамон.....	99
---	----

ҚУТЛОВ

Сўз илмининг заргари	101
----------------------------	-----

Касбидан ҳурмат топган устоз.....	102
-----------------------------------	-----

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Янгича шакллар таҳлили	104
------------------------------	-----

Библиография	106
--------------------	-----

ХОТИРА

Камтарлик ва комиллик соҳиби эди	107
--	-----

УДК: 4

МОДУС ВА ДИКТУМ ТУШУНЧАЛАРИ ХУСУСИДА

М.Ҳакимов, З.Ходжаева

Аннотация

Мақолада прагмалингвистика фанига оид бўлган модус, диктум ва кенсум тушунчаларининг таснифи ва таҳлили ёритилган. Шунингдек, модус ва модаллик атамаларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье даётся определение и анализ понятий модус, dictum и kensum, относящимся к предмету прагмалингвистики. А также, рассматриваются общие и различительные критерии терминов модуса и модальности.

Annotation

In this article are given definition and analysis of modus, dictum and kensum concepts, which are related to pragmalinguistics. In this article are also observed common and distinctive criteria of modus and modality notions.

Таянч сўз ва иборалар: модаллик, модус, диктум, кенсум, сўзловчи субъект нутқи, субъектив, объектив.

Ключевые слова и выражения: модальность, модус, диктум, кенсум, речь говорящего субъекта, субъективный, объективный.

Keys word and expressions: modality, modus, dictum, speech of speaker, subjective, objective.

Сўзловчи субъект нутқи кўплаб ижтимоий фанларнинг, жумладан психология, педагогика, мантиқшунослик каби фанларнинг тадқиқот обьекти сифатида ўрганилган. Нутқий фаолият хусусиятлари тилшуносликда ҳам кенг тадқиқ этилган. Ҳозирда тилшуносликнинг прагмалингвистика соҳасида сўзловчи нутқининг психолингвистик жиҳатлари кенг ёритилмоқда.

Сўзловчи нутқининг модаллик жиҳатини тилшунослик фанида швейцариялик олим Шарль Балли ўзининг “Общая лингвистика и вопросы французского языка” (1932) асарида тадқиқ этган. Модаллик, олимнинг фикрича, ҳар бир гапнинг қалби бўлиб, у ҳам худди фикр каби сўзловчи субъектнинг нутқий фаоллиги натижасида юзага келади [1]. “Модаллик ҳақида гап боргандা, дейди Юсто Фернандес Лопез, вақт тушунчаси назарда тутилмаслигини [6]”, аксинча модаллик кўпроқ субъектив маънога эга бўлиб, у сўзловчининг бирон-бир предметга ёки ҳодисага бўлган шахсий муносабатини ифодалашини таъкидлайди. Немис тили *Duden* изоҳли луғатида модаллик тушунчасига шундай таъриф берилади: “Китобий нейтрал услубда модаллик бирор-бир воқеани содир бўлишини англатса, фалсафа фанида воқелик, ҳодиса ва мавжудликнинг имконият ёки зарурятини, мантиқшунослика жумланинг аниқлик даражасини, тилшуносликда эса сўзловчининг

айтилган жумлага ёки жумланинг борлиқقا бўлган муносабатини англатади” [9].

“Субъектив қарашлар” назарда тутилганда модаллик кенг маъно касб этса, хабар, сўроқ тушунчалари билан бирлашганда унинг маъноси сусайиши кузатилади [6]. Бирор ҳодиса ёки ҳолатга мулоқот иштирокчилари турлича муносабат ва фикр билдириши мумкинлиги бу ўринда унинг мазмун мундарижасини торайтиради ва унга аниқлик киритади.

Баъзи илмий адабиётларда модаллик ҳамда модус тушунчалари бир хил маънода кўпланилиши кузатилади. Ш.Балли ўз асарида ҳар бир фикр модаллик колоритига эгалигини таъкидлаб, гапнинг модалликни ифодаловчи ушбу қисми модус деб номланишини айтади. Кўринадики, модаллик семантик категория бўлиб, сўзловчининг ёки сўзланаётган жумланинг борлиқка бўлган муносабатини англатувчи атамадир, модус эса сўзловчи шахснинг муносабати ва жумланинг умумий маъносини ўзида акс эттирувчи тушунчадир. Модус ва модаллик фикр ва муносабат ифодалашда ўзаро жуда яқин алоқададир. Оз бўлса-да, модаллик ифодаланмаган жумлани фикр деб ҳисоблаб бўлмайди [1.44], дейди Ш.Балли.

Модус термини мантиқшунослик, фалсафа ва тилшунослик фанларида турли маъноларда ишлатилади. Модус (*modus*) – бирор-бир предметнинг кўриниши ёки бирор-бир ҳаракат тuri ва усулидир. Мантиқшунослика модус

М.Ҳакимов – ФарДУ, филология фанлари доктори.

З.Ходжаева – ФарДУ немис ва француз тиллари кафедраси

атамаси ақлий фаолликнинг кўринишларини белгилаш учун қўлланилади. Фалсафада эса модус деб бирор-бир предметнинг фақат маълум ҳолатда юзага чиқадиган хусусиятига ҳамда унинг бошқа предметлар билан алоқасига айтилади. Схоластикада модус modus intelligendi, modus significandi, modus punis ва modi absoluti каби турларга ажратилади. Тилшунослик фанида эса модус модалликни ифодаловчи шакллардан бири бўлиб, у феълнинг шаклий ва мазмуний қисмида ифодаланадиган (хабар майли, ҳоҳиш-истак майли, бўйруқ майли) тил элементи ҳисобланади [6].

Ш.Балли модусни имплицит ва эксплицит турларга бўлади. Диктум ва модусни эксплицит ифодаланишига Ш.Балли эргаш гапли қўшма гапларни мисол қилиб кўрсатади : *Менинг ўйлашимча, сен мени алдаяпсан.* Фикрловчи субъект аввал ўз тасаввuri устида фикрий акт содир этади, сўнгра ушбу тасаввур психик акт обьектига айлантирилган ҳолда фаоллаштирилади. Бундан келиб чиқадики, диктум (қўшма гап) фикрлаш учун асос, модус (бош гап) эса унинг мавзусига айланади.

Модус сўзловчи субъект билимiga, фикрига ва ушбу фикрни мантикий кетма-кетлигига асосланган бўлиши зарур:

Масалан:

Унинг ҳақ эканлигини биламан (билиш модуси).

Менимча, у ҳақ (Фикр модуси).

Мен уни ҳақ деб ҳисоблайман (мантиқа асосланган модус).

Худди тил каби модусни ҳам оғзаки, ёзма, ички ва имо-ишораларга асосланган турларга бўлиш мумкин. Оғзаки модус сўзловчи ва адресат ўртасида товуш ҳаракатига асосланган асосий модус ҳисобланади. Ушбу ҳолда сўзловчи артикуляр аппарат ёрдамида товуш сигналини ҳосил қиласди, адресат эса ушбу товушни қабул қиласди. Нутқда оғзаки модус билан бирга кузатиладиган яна бир модус бу жестикуляр модусдир. Ушбу имо-ишоралар билан кечадиган модус сўзловчи ва адресат ўртасидаги визуал фаолиятга асослангандир.

Тил вужудга келган пайтдан бошлаб мавжуд бўлган фикр модусида бошқа инсонларга маълум бўлмаган ички дискурс яралади. Бу ҳолда бир шахс ҳам, сўзловчи ҳам адресат ролини бажаради. Ушбу модус тури фанда нисбатан кам тадқиқ этилган. Модуснинг ёзма кўриниши ёзув пайдо бўлган вақтдан бошлаб, яъни бундан 5 000 йил аввал шаклланган. Оғзаки модус ёзма модусга

nisbatan кенг қамровли бўлиб, нутқий жараённи тадқиқ этишда муҳим ўрин тутади. Сабаби оғзаки нутқ ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, тақоролмаслиги ва оригиналлиги билан ажралиб туради. Айниқса, диний мавзудаги тушунчаларни кишиларга етказишида ёзма манбанинг ўрни бекиёс. Бунда унинг ўзгармаслиги қўл келади. Бу ёзма нутқ мавқеини оширди. Манбааларда ёзма нутқ “тоза”, “тўғри” тил, оғзаки нутқ эса ушбу тилни “бузилган” кўриниши ҳисобланади [3.81] деб ёзилган. Ёзма ва оғзаки модус турларининг яна бир фарқи, бу сўзловчи ва адресат ўртасидаги вақт ва макон доирасидаги алоқанинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидадир. Ёзма модусда бундай алоқа деярли йўқ. Оғзаки модусда эса сўзловчи ва тингловчи нутқий фаолиятга бевосита жалб қилинадилар ва ушбу нутқий жараён вақтида уларнинг фикрлашлари, ҳис-туйғулари вербал ва новербал воситалар орқали юзага чиқади. Ёзма дискурсда бу жараён содир бўлмайди, сўзловчи ва тингловчи адресат ўртасидаги бевоситалик йўқолиб ахборот алмашишда билвосита муносабатга киришадилар. Натижада ўртада масофа йироқлашаши кузатилади. Бундай йироқлашишни кўпроқ тilda мажхул нисбат қўлланилишида кузатишими мумкин: *Ушбу ҳодиса фақат бир бора кузатилди.* Оғзаки нутқда ушбу жумлани *Ман* бу ҳодисани *фақатгина* бирбора кузатдим, холос каби гап орқали кўпроқ ишонч билан айтиш мумкин [2.5]. Бундан ташқари оғзаки нутқда суперсегмент бирликлар ҳам мазмун ифодалашга кўмаклашади. А.А.Кибрик ўзининг “Модус, жанр и другие параметры классификации дискурсов” илмий мақоласида янги технологиялар тараққиёти сабабли тил ва дискурсни телеграмма, телефон сұхбати, радиоузатишлар, пейджер орқали сұхбат ва электрон почта ёзишмалари каби мураккаб турлари вужудга келганини кўрсатади ва бу дискурс турларини умумий маънода субмодус деб номлайди [2.7]. Ушбу субмодуслар ичida электрон почта ёзишмалари алоҳида ўрин эгаллади. Улар электрон модус деб номланади. Унда худди ёзма модусда бўлганидек маълумот ёзма муҳрланади, лекин маълумот оғзаки модусдагидек ноформал ва қисқа муддатга мўлжалланганлиги билан характеристидир. Электрон модусни ёзма ва оғзаки модуслар ўртасидаги кўприк эканлигига Talk (Chat)-ни мисол қилиб кўрсатишими мумкин. Бунда сұхбатдошлар бир пайтнинг ўзида матн териш билан бирга мониторда сұхбатдошининг матнини ҳам ўқий олишлари мумкин.